

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУРСУНОВ ЭРГАШАЛИ ЯНДАШАЛИЕВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КОРОНАР
СТЕНТЛАШНИ ТЎСАТДАН АРИТМИК ЎЛИМНИНГ БАЪЗИ
ХАВФ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турсунов Эргашали Яндашалиевич

Миокард инфаркти ўтказган беморларда коронар стентлашни тўсатдан аритмик ўлимнинг баъзи хавф омилларига таъсири..... 3

Турсунов Эргашали Яндашалиевич

Влияние коронарного стентирования на некоторые предикторы внезапной аритмической смерти у больных перенесших инфаркт миокарда 29

Tursunov Ergashali Yandashaliyevich

The effect of coronary stenting on some predictors of sudden arrhythmic death in patients with myocardial infarction..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУРСУНОВ ЭРГАШАЛИ ЯНДАШАЛИЕВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КОРОНАР
СТЕНТЛАШНИ ТЎСАТДАН АРИТМИК ЎЛИМНИНГ БАЪЗИ
ХАВФ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1890 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Закиров Нодир Узуевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аяви Баҳромхон Анисханович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «12» 11 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2024 йил «28» 10 тарқатилди.

2024 йил «28» 10 даги 72 рақамли реестр баённомаси.



Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга келиб бутун дунёда юрак кон томир касалликларининг даволаш ва диагностикасида замонавий илғор методларнинг қўлланилишига қарамасдан миокард инфаркти (МИ) ва унинг асоратларидан ўлим кўрсаткичи юқориликча қолмоқда. Халқаро эпидемиологик таҳлилларга кўра, бутун дунёда «... 2019 - йилда 18,6 миллион ўлим юрак қон томир касалликлари (ЮҚТК) сабабли кузатилиб, ушбу кўрсаткичнинг 85% қисми миокард инфаркти ва инсулт оқибатида юзага келган...»¹. Шубҳасиз ЮҚТК ичида энг кўп учровчи клиник ҳолат бу МИ ва унинг асорати тўсатдан аритмик ўлимдир (ТАЎ). МИ ўтказган беморларнинг 25%дан 50%гача қисми тўсатдан ўлимга олиб келувчи қоринча аритмиялари сабабли вафот этади. Айниқса бутун дунёда йил давомида 6 миллионга яқин тўсатдан юрак тўхташи қайд этилиб, ўларнинг омон қолиш эҳтимоллиги 10% дан ортмаслиги, ҳамда ТАЎ юзага келишишини башоратлашдаги диагностик муоммолар ушбу соҳада чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳонда МИ ўтказган беморларда ноинвазив текширув методлари орқали ТАЎ хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳини ажратиб олиш, аниқланган хавф омилларини бартараф этишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижалар шуни кўрсатадики, ушбу тоифа беморларда ТАЎ ривожланиш хавфини башоратловчи умумэтироф қилинган ягона хатар омиллар мавжуд эмаслиги, профилактик мақсадида амалга оширилувчи турли инвазив методларининг самарадорлиги камлиги ва моддий жихатдан афзал эмаслиги, ушбу тоифа беморларда ТАЎ юзага келишини башоратловчи ноинвазив хатар омилларни (НИХО) комплекс баҳолаш, хатар омиллар учраш даражаси бўйича гуруҳларга табақалаштириш, ушбу хатар омилларга коронар стентлашнинг таъсирини ўрганиш билан бир қаторда ТАЎ юзага келишини башоратлаш ва профилактикасини такомиллаштириш, ҳамда ҳавф стратификацияларига асосланган ҳолда реваскуляризация усуллари оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида аҳолига кўрсатилаётган кардиологик хизматлар сифатини яхшилаш, даволашнинг юқори технологик усуллари амалиётга кенг йўлга қўйиш, юрак кон томир касалликларининг юзага келишида муҳим рўл ўйнаовчи хатар омилларини эрта аниқлаш ва самарали профилактика ишларини олиб бориш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича»² вазифалар киритилган. Бу

¹ Roth GA, Mensah GA, Johnson CO, et al. Global Burden of Cardiovascular Diseases and Risk Factors, 1990-2019: Update From the GBD 2019 Study. J Am Coll Cardiol. 2020 Dec 22;76(25):2982-3021

² Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича

борада кардиология соҳасини изчил ривожлантиришда инновацион методларни қўллаш орқали юрак қон-томир касалликлари юзага келиши ва асоратларини олдини олиш, даволаш ва ҳаёт сифатини оптималлаштириш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик, эрта ўлим кўрсаткичларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021-йил 27 сентябрдаги ПҚ- 5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида», 2022-йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда МИ ўтказган, чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ) бироз пасайган ва сақланган (ЧҚОФ>40%) беморларда ТЮЎ юзага келишини башоратлаш хусусиятига эга бўлган НИХОга қизиқиш ортиб бормоқда ва бир нечта янги, хусусан электрокардиографик шкалалар (Holkeri A. et al. 2020), суткалик холтер мониторинги орқали баҳоланувчи НИХО асосида шкалалар таклиф этилган (Gatzoulis K.A. et al. 2019). Хусусан бир нечта тадқиқотларда НИХО сифатида нотурғун қоринчалар тахикардияси, юрак ритми вариабеллиги (Exner D.V. et all. 2007) ва турбулентлигининг патологик пасайиши, QTс интервалининг патологик узайиши (Waks et al. 2016), Bigger бўйича қоринчалар экстрасистолиясининг >10/соат учраши (Dhar et all. 2008) ТАЎ юзага келишини баҳолашда юқори башоратлаш хусусиятига эга. Ушбу хатар омилларининг камайтиришда коронар томир реваскуляризациясининг ижобий таъсири бир нечта тадқиқотларда ўрганилган (Rajat K. et all.2020).

Ўзбекистонда ТЮЎ муоммолари билан фақат Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази юрак аритмиялари лабораторияси ходимлари Ўз.Рес. ФА Академиги Курбанов Р.Д. бошчилигида изланишлар олиб борилган, хусусан МИдан кейинги беморларда хавфли аритмиялар (Пирназаров М. М. 2005 йил), тўсатдан ўлим (ТЎ) предикторларини тарқалишини баҳолаш (Киякбаев Г. К. 2002 йил), ТЎ предикторларини стандарт даво таъсирида динамикасини баҳолаш (2007 йил), Q тишли МИ беморларида ТЎ башорати ва профилактикаси (Муллабаева Г. У.

2018 йил) бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, касалликнинг клиник кечишида муҳим аҳамият ўйновчи хатар омиллар аниқланган.

Юқоридаги баён қилинганларни ҳисобга олиб, бугунги куннинг долзалб вазифаси МИ ўтказган беморларда ТАЎ юзага келишини башоратлаш хусусиятига эга кам чиқимли информатив ноинвазив методлар орқали баҳолаш, коронар атеросклероз ва аритмоген хатар омилларни ўз ичига олган янги прогностик алгоритм орқали оптимал ревазуляризация методини олиб ориш ва беморларга оптимал даво турини танлашни оптималлаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ПЗ-2017091464 «Потенциал хавфли юрак аритмияларини янги маҳаллий дори ва юқори технологияли усуллардан фойдаланган ҳолда дифференциал олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) ва ПЗ-2020070611 «Хаёт учун хавфли юрак ритми бузилиши мавжуд беморларда молекуляр-генетик, электрофизиологик ва фармакологик усулларни қўллаган ҳолда тромбоземболик асорат ва тўсатдан ўлим ривожланиш хатар омилларини аниқлашга қаратилган дифференциал электрон платформасини яратиш» (2021-2024 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миокард инфаркти ўтказган, чап қоринча отиш фракцияси биров пасайган ва сақланган беморларда тўсатдан аритмик ўлимнинг баъзи ноинвазив хавф омилларининг динамикасига коронар стентлаш амалиётининг таъсирини баҳолаш орқали ревазуляризация алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир МИдан 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда ТАЎ танлаб олинган ноинвазив хатар омилларининг тарқалиш даражасини аниқлаш;

коронар томир стентлаш амалиётининг ўткир миокард инфарктининг 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда 1 йилдан сўнг қоринчалар эктопик активлиги, юрак ритми вариабеллиги, турбулентлиги ва QT интервали кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

коронар стентлашнинг МИдан стентлаш амалиётига бўлган даврга боғлиқ равишда ТАЎ ноинвазив хатар омилларига таъсирини аниқлаш;

ўткир МИдан 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда ТАЎ профилактикаси алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анамнезида камида 40 кун аввал миокард инфаркти ўтказган ЧҚОФ 40% дан юқори бўлган, диагностик коронароангиография текширувида ревазуляризация кўрсатмаси мавжуд, турли хил коронар томир шикастланишли, инфаркт ўчоғи ва миокард деворининг турли жойлашувга эга бўлган 270 нафар беморлар олинди

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг анамнези, физикал текширувлари, қоннинг биохимиявий, лаборатор таҳлиллари, жумладан, коагулограмма ва липид спектр натижалари, жигар ферментлари, стандарт трансоракал ЭхоКГ, суткалик холтер мониторинг текшируви (ХМЭКГ) ва шу орқали баҳоланувчи 6 та ноинвазив хатар омиллар, диагностик коронароангиография ва стентлаш амалиёти маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий ва ангиографик текширув усуллари, шу билан биргаликда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кам чиқимли ноинвазив ташхислаш усули – суткалик холтер мониторинги ёрдамида анамнезида МИ ўтказган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда ревазуляризациядан олдин 6 та ноинвазив хатар омилларининг тарқалиш даражаси баҳоланган орқали ТАЎ юзага келиш хавфи юқори гуруҳда бир вақтда 3 ва ундан ортиқ хатар омиллар мавжудлиги аниқланган;

ўткир МИдан 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда 12 ойлик динамикада стентлаш орқари ўтказилувчи тўлиқ анатомик ревазуляризация нотўлиқ ревазуляризация ва оптимал медикамент давога нисбатан ТАЎнинг ўрганилган 6 та НИХОларини камайтиришда самарали эканлиги исботланган;

ўткир МИнинг 40 кундан кейинги, ЧҚОФ >40% беморларда инфарктдан кейинги нисбатан эрта даврда стентлаш орқали амалга оширилган тўлиқ анатомик ревазуляризация амалиёти кечки даврда амалга оширилган ревазуляризацияга нисбатан ишемик ўзгаришларни эрта бартараф этиш орқали ТАЎ хатар омилларини камайтиришда юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланган;

ўткир миокард инфарктидан 40 кундан кейинги, ЧҚОФ >40% беморларда ТАЎ 6 та ноинвазив хатар омиллар учраш сони ва коронар томир шикастланишини баҳоловчи SYNTAX шкаласи турли хил даражада бўлган беморлар учун стентлаш амалиёти орқали тўлиқ/нотўлиқ ёки оптимал медикамент даво танловини оптималлаштирувчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида илк мартаба ўткир МИнинг 40 кундан кейинги даврида бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган беморларда ТАЎ юзага келишини башоратлаш хусусиятига эга бўлган НИХОларини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқилган ва улар орқали ТАЎ юзага келиш эҳтимоллиги юқори ва паст хатар гуруҳларига табақалаштириш мезонлари ишлаб чиқилган;

ушбу гуруҳ беморларда МИнинг нисбий эрта даврдаги (медиана 68 кун) стентлаш орқали ўтказилган тўлиқ ревазуляризациянинг самарадорлиги нисбий кечки даврига (медиана 580 кун) нисбатан самаралироқ эканлиги исботланган ва МИдан кейинги нисбатан эрта даврларда стентлаш орқали тўлиқ анатомик ревазуляризация ўтказиш таклиф этилган;

тадқиқотга қиритилган беморларда ТАЎ юзага келиш эхтимоллигини башоратловчи НИХО ва коронар томир анатомик шикастланиш даражасини кўрсатувчи SYNTAX шкаласи баллари асосида ҳавф стратификацияси ишлаб чиқилган ва стентлаш орқали тўлиқ ёки нотўлиқ реваскуляризация ёки оптимал медикаментоз даво турини танлашга имкон берувчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан аниқлиги, текширилган беморлар сонининг етарли даражада эканлиги, олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳалқаро илмий изланишлар билан таққосланганлиги, олинган хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамоилларига мос эканлиги ва ҳалқаро ва маҳаллий илмий анжуманларда этироф этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биринчи мартаба ўткир МИнинг 40 кундан кейинги даврида бўлган, ЧҚОФ 40%дан юқори беморларда ТАЎ юзага келишини башоратлашда оддий, камчиқим ва инфарматив бўлган суткалик холтер мониторинг текшируви орқали бир вақтнинг ўзида яқка ҳолда кам информатив, аммо биргаликда самарадорлиги юқори бўлган 6 та НИХОларига стентлаш амалиёти орқали тўлиқ, нотўлиқ реваскуляризация ва оптимал медикаментоз давонинг таъсири узоқ кузатув натижалари ўрганилиб, тўлиқ анатомик реваскуляризация амалиёти динамикада НИХОларининг қай бирини самаралироқ камайтириши шунингдек, касалликнинг ноҳуш ҳодисалари юзага келишида бир вақтда аниқланувчи аҳамиятли НИХО учраш сони ва коронар томир анатомик шикастланиш даражаси чегараси келтириб ўтилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, нафақат коронароангиография текшируви орқали коронар томир анатомик шикастланиш даражасини кўрсатувчи SYNTAX шкаласи асосида, балки ХМЭКГ асосида ТАЎ эхтимолий содир бўлишини башоратловчи НИХО учраш даражасини инобатга олган ҳолда тадқиқотга жалб этилган беморларни ҳавф стратификациялари бўйича гуруҳларга ажратиш, уларга оптимал реваскуляризация усулини танлаш, ва динамикада 1 йилда даволаш самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланиб, тадқиқот натижаларини даволаш муассасалари амалиётига жорий этиш нафақат ТАЎни башоратлашни такомиллаштириш, балки даволашга сарфланувчи моддий чиқимларни камайтириш имконини берганлиги, шунингдек катта ноҳуш ҳодисалар юзага келишини камайтириш орқали хаёт сифати ва прогнозини яхшиланишига олиб келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

1-Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор кам чиқимли ноинвазив ташхислаш усули – суткалик холтер мониторинги ёрдамида анамнезида МИ ўтказган, чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ) биров пасайган ва сақланган беморларда реваскуляризациядан олдин 6 та ноинвазив хатар омилларининг

тарқалиш даражаси баҳолаш орқали тўсатдан аритмик ўлим (ТАЎ) юзага келиш хавфи юқори гуруҳда бир вақтда 3 ва ундан ортиқ хатар омиллар мавжудлиги аниқланган. Юқоридаги тоифа беморларда НИХО асосида беморларни хатар гуруҳи бўйича табақалаштириш ва ТАЎ юзага келишини олдини олишга индивидуал профилактик ёндашув турини танлашга имкон берувчи илмий янгиликни амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази (РИКИАТМ) мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 5 февралдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Миокард инфаркти ўтказган беморларда тўсатдан аритмик ўлим хатар омилларини камайтиришда реваскуляризация алгоритми» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар РИКИАТМ Қарши филиалида 2023 йил 9 декабрдаги; 51 т - сонли буйруғи, ҳамда РИКИАТМ Андижон филиалида 2023 йил 7 декабрда 05-01/162-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Бирламчи тизимдан тортиб юқори ихтисослаштирилган марказларда ишловчи шифокорлар учун ТАЎ ноинвазив хатар омиллари ҳақида билим кўникмаларини оширишга хизмат қилади, МИ ўтказган беморларда ТАЎ юзага келиш эҳтимоллигини башоратлаш сифатини оширади, НИХОлари 3 ва ундан юқори бўлган бемор гуруҳларида профилактика ва даволаш самарадорлигини сезиларли яхшиланишига имкон беради. *Иқтисодий самарадорлик:* МИ ўтказган, ЧҚОФ 40%дан юқори беморларда ўрганилган 6 та НИХОлар бир вақтда комплекс баҳоланиши ТАЎ юзага келиш эҳтимоллигини башоратлашни қўшимча маблағларсиз янада мукамаллаштиради, ташхислашга бўлган ёндашувни соддалаштиради ва соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини шифокорлари томонидан минимал тайёргарлик билан ёки ҳеч қандай тайёргарликсиз фойдаланиш мумкин, тиббий ходимни ўқитиш зарурати бўлмаслиги ҳисобига мутахасис учун 1 ҳафталик ўқув курси учун 594 000 сум иқтисод қилишга эришилади. Шу билан бир қаторда ушбу тоифа беморларда имкон даражада эрта даврларда комплекс ЭхоКС, ХМЭКГ диагностик КАГ орқали умумий ўлим ва ТАЎ хатар омилларини баҳолаш келажакда кузатилиши мумкин бўлган катта ноҳуш ҳодисаларни даволашга бўлган сарфни камайтиришга имкон беради.

2 - *Илмий янгиликнинг моҳияти:* ўткир миокард инфарктидан 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган (ЧҚОФ>40%) беморларда 12 ойлик динамикада стентлаш орқари ўтказилувчи тўлиқ анатомик реваскуляризация нотўлиқ реваскуляризация ва оптимал медикамент давога нисбатан тўсатдан аритмик ўлимнинг ўрганилган 6 та НИХОларни камайтиришда самарали эканлиги асослаб чиқилган таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 5 февралдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Миокард инфаркти ўтказган беморларда тўсатдан аритмик ўлим хатар омилларини камайтиришда реваскуляризация алгоритми» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф

РИКИАТМ Қарши филиалида 2023 йил 9 декабрдаги; 51 т - сонли буйруғи, ҳамда РИКИАТМ Андижон филиалида 2023 йил 7 декабрда 05-01/162-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Юқоридаги тоифадаги беморларда ўтказилган тўлиқ анатомик реваскуляризация амалиёти соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғин шифокорлари учун шошилиш ёрдамга бўлган юқламани камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга юрак ишемик касаллиги асорати ТАЎ юзага келишини камайтириш орқали катта ёшли аҳоли орасида кутилмаган ўлимни камайтириш ва айниқса меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини сақлаб қолишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Шошилиш ҳолатларга бўлган эҳтиёжнинг камайиши тез тиббий ёрдам бригадаларига бўлган юқламани камайтиришга бу эса 1 бемор учун кунлик 254 000 сўм тежалишига, катта ёшли аҳоли ва меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламида ўлимни камайтиришга хизмат қилиб, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ тежалиши ва ижтимоий салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиш имконини беради.

3-Илмий янгиликнинг моҳияти: ўткир миокард инфарктининг 40 кундан кейинги, ЧҚОФ >40% беморларда инфарктдан кейинги нисбатан эрта даврда стентлаш орқали амалга оширилган тўлиқ анатомик реваскуляризация амалиёти кечки даврда амалга оширилган реваскуляризацияга нисбатан ишемик ўзгаришларни эрта бартараф этиш орқали тўсатдан аритмик ўлим хатар омилларини камайтиришда юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланган ва ушбу таклифлар РИКИАТМ мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 5 февралдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Миокард инфаркти ўтказган беморларда тўсатдан аритмик ўлим хатар омилларини камайтиришда реваскуляризация алгоритми» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИКИАТМ Қарши филиалида 2023 йил 9 декабрдаги; 51 т - сонли буйруғи, ҳамда РИКИАТМ Андижон филиалида 2023 йил 7 декабрда 05-01/162-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Юқоридаги тоифа беморларда амалга оширилган дифференциал ёндашув орқали МИдан кейин юзага келиши мумкин бўлган катта ноҳуш ҳодисалар ва барвақт ўлимни камайтиришга имкон бериб, бу орқали ногиронлик кўрсаткичининг камайиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини сақлаб қолишга имкон беради. ТАЎ НИХОларини камайтириш орқали касалликнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасига сифатли ёндашув орқали, кутилмаган ўлимни камайишига сабаб бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* МИдан кейинги нисбатан эрта даврларда амалга оширилган тўлиқ реваскуляризация амалиётини амалга ошириш орқали ногиронликни камайтириш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини сақлаб қолиш билан аҳоли даромад кўрсаткичини сақлаб қолишига эришиш билан бир қаторда, МИ кечки даврда амалга ошириладиган кам фойда келтирувчи стентлаш амалиётини олдини олиш туфайли “зарур бўлмаган стентлаш” сонини камайтириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори технологик амалиётларга бўлган мақсадсиз сарф харажатни камайтиради. Бу эса бемор томонидан 1

ойлик антиагрегант дори воситалари учун сарфланадиган 144 000 сумни тежаш имконини берди.

4-Илмий янгиликнинг моҳияти: миокард инфарктининг ўткир давридан 40 кундан кейинги, ЧҚОФ >40% беморларда тўсатдан аритмик ўлимнинг 6 та ноинвазив хатар омиллар учраш сони ва коронар томир шикастланишини баҳоловчи SYNTAX шкаласи турли хил даражада бўлган беморлар учун стентлаш амалиёти орқали тўлик/нотўлик ёки оптимал медикамент даво танловини оптималлаштирувчи алгоритм ишлаб чиқилган ва ушбу таклифлар РИКИАТМ мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 5 февралдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Миокард инфаркти ўтказган беморларда тўсатдан аритмик ўлим хатар омилларини камайтиришда реваскуляризация алгоритми» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф РИКИАТМ Қарши филиалида 2023 йил 9 декабрдаги; 51 т - сонли буйруғи, ҳамда РИКИАТМ Андижон филиалида 2023 йил 7 декабрда 05-01/162-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* МИ ўтказган ЧҚОФ 40% дан юқори беморларда оптимал реваскуляризация методини танлашга имкон берувчи таклиф этилган алгоритм даволовчи шифокор ва интервенцион кардиолог олдига беморлар тоифаси бўйича аниқ схема таклиф этади ва шу орқали беморларнинг реваскуляризация турини танлашда иштирок этувчи юрак жамоаси ишини такомиллаштиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ушбу тоифа беморларда таклиф этилган стентлаш орқали реваскуляризация турини танловини амалга оширишга имкон берувчи алгоритм зарур бўлмаган ортикча стентлаш амалиётини камайтиришга имкон беради бу орқали 1 бемор учун 680000 сўм маблағлар тежалишига имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий изланиш долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миокард инфаркти ўтказган беморларда коронар стентлашни тўсатдан аритмик ўлимнинг баъзи хавф омилларига таъсири адабиётлар шархи»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид маҳаллий ва халқаро илмий тадқиқотларда МИ ва ТАЎ тушунчаси, долзалблиги, тарқалаш ва патогенетик ривожланиш механизмлари ва ТАЎ юзага келишида аутопсик топилмалар, ТАЎ профилактикасида тери орқали стентлаш ва аорта коронар шунтлаш каби реваскуляризация амалиётининг инкониятлари, оптимал медикаментоз даво ўртасидаги афзалликлар ва камчиликлар, рандомизирланган клиник тадқиқотлар ва мета-таҳлилларда келтирилган хулосалар билан таққослаш баён этилган. ТЮЎ юзага келишини башоратлашда суткалик холтер мониторинги орқали баҳоланувчи танланган 6 та НИХОлар: 1) қоринчалар экстрасистолиясининг Bigger бўйича 10/соатига дан ортиқлиги, 2) нотурғун қоринчалар тахикардияси, 3) потенциал ҳаёт учун хавфли қоринчалар аритмияси, яъни Lown Wolf бўйича ҚЭ синфининг III, IVА ёки IVB мавжудлиги, 4) патологик юрак ритми вариабеллиги ва 5) турбулентлиги, 6) корригирланган QT интервалининг патологик узайиши каби кўрсаткичларнинг яқка ҳолатда ёки бир нечтаси биргаликда учраганида/ ариқланганида ТАЎ юзага келишини башоратлашдаги ишкониятлари атрофлича баён этилган.

Диссертациясининг **«Миокард инфаркти ўтказган беморларда коронар стентлашни тўсатдан аритмик ўлимнинг баъзи хавф омилларига таъсири материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот методологияси ҳақида тўхталиб ўтилган. Илмий иш мақсадидан келиб чиқиб, клиник текширув учун ҳар икккала жинс вакилларида 38-75 ёшлардаги 2019-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлимларида стационар даволанган ва “Юрак аритмиялари” лабораториясида суткалик холтер мониторинг текширувидан ўтган анамнезида ўтказилган ўткир МИ (3 ва 4 МИ аниқлагичи) дан 40 кундан кейинги даврда бўлган, ЧҚОФ биров пасайган ва сақланган 270 нафар бемор тадқиқотга жалб қилинган. Беморларнинг ўртача ёши медиана бўйича 62 [57; 67] ёшни ташкил қилди, МИ ўртача давомийлиги 260 [65; 640] кун бўлган. Тадқиқотдан чеклаш мезонлари бўлиб қуйидагилар: Миокард инфарктининг ўткир ва ўткир ости даврида стентлаш амалиёти ўтказганлиги, синусли ритмда бўлмаган, (яъни бўлмачалар фибрилляцияси, титраши, электрокардиостимулятор ритми, ифодаланган синус ритми дисфункцияси), юқори даражали доимий АВ блокада 2 ва 3 даражасининг мавжудлиги, тиреотоксикоз, қандли диабет касаллиги, оғир даражада буйрак, жигар етишмовчилиги мавжудлиги, химия ва нур терапия босқичидаги онкологик касалликлар, текширувда қатнашишдан бош тортган, тадқиқотга киргунига қадар реваскуляризация амалиёти ўтказган, чап қоринча отиш фракцияси 40%

дан кам бўлган беморлар диагностик КАГ текширувида Syntax Score (SS) шкаласи бўйича >32 балл беморлар, юрак калапан туғма ва орттирилган нуқсонлари бўлган беморлар (жумладан аортал, митрал ва трикуспидал клапанларинг ўрта оғир ва оғир стеноз/етишмовчилиги) кабилар ҳисобланади.

1- расм Тадқиқот дизайни



Биринчи босқичда (шифохонада) сурункали коронар синдром беморлари учун тавсия этилган тавсиянома (2018 йил) бўйича беморлар дастлабки 24 соат ичида анамнестик маълумотлар ва физик текширувлар (бўй, вазн, тана вазн индекси, қон босими, пулс, гемодинамик кўрсаткичлар текшируви) умумий клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар: кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси, стандарт 12 тармоқли электрокардиография (ЭКГ), трансторакал эхокардиография, тўқима миокардиал доплерографияси билан биргаликда, брахицефал артериялар доплерография текшируви, суткалик ХМЭКГ, лаборатор текширув усуллари (қонда липид спектри, қонда қанд миқдори, гликемик профил, мочевино, креатинин, сийдик кислота, аспаратаминотрансфераза, аланинаминотрансфераза, коагулограмма, С-реактив оқсил, Гепатит В, С, Вассерман анализи), шунингдек заруратга қараб тор мутахасислар кўриги ўтказилди. Клиник текширув хулосалари (2018-йилда чоп этилган ЮИК мавжуд беморларни реваскуляризацияси тавсияномаси бўйича) асосида коронароангиография (КАГ) амалиёти ўтказилиб, беморлар коронар томир зарарланиш даражаси баҳоланди. Беморларда атеросклеротик коронар томирлар шикастланиш (КТШ) сонига нисбатан стентлаш амалиёти ўтказилишига қараб 3 гуруҳга ажратилди: тўлиқ реваскуляризация (ТР) гуруҳи (n=115), нотўлиқ реваскуляризация (НР) (n=94)

ва реваскуляризация бўлмаган (РБ) (n=61) гуруҳига ажратилди. ТР гуруҳдаги беморнинг 84,5% қисми эркак жинсига мансуб, ўтказилган МИ нинг ўртача вақти 145 [67,5; 566] кун (2 ойдан 12 йилгача), ўртача медиана бўйича 60 [54; 64] ёш, коронар томир шикастланиш сони $1,63 \pm 0,70$ ни ва 100% коронар томир шикастланиши стентлаш амалиёти ўтказилган 1-гуруҳ беморлар. НР гуруҳи ёши 62 [58; 69,8], ШКТ сони $2,68 \pm 0,46$, ва 50% атеросклеротик КТШда стентлаш амалиёти ўтказилган, МИ дан стентлаш амалиётигача бўлган давр 245 [45; 700] кун бўлган 2-гуруҳ беморлар. 3-гуруҳ РБ 61 нафар бемордан иборат ўртача ёши 64 [58; 68] ёш, МИ даври 414 [379; 432] кун бўлган, ва КТШ сони $1,96 \pm 0,89$ бўлган гуруҳ. Коронар артерияларни стентлаш учун амалиётдан олдин ихтиёрий ёзма розилик олинди. Диагностик КАГ ва стентлаш текшируви стандарт терапия шароитида олиб борилди. Амалиётдан сўнг беморлар стандарт даво билан уйга чиқарилди. Диагностик КАГ ва/ёки стентлаш амалиётининг 1 йилдан сўнг беморлар амбулатория шароитида такрорий липид спектри, суткалик ХМЭКГ, трансоракал ЭХОКГ текшируви орқали баҳоланди. Қуйидаги расмда тадқиқот дизайни келтирилган (1 - расм). 1 йилдан сўнг беморлар гуруҳларида содир бўлган бирламчи ва иккиламчи “яқуний нуқталар” аниқланди. **Бирламчи яқуний нуқта:** тўсатдан юрак/аритмик ўлими. **Иккиламчи яқуний нуқта:** бошқа сабабли ўлим (БСЎ), юрак қон томир касалликлари сабабли ўлим (ЮҚТКСЎ), нофатал миокард инфаркти (нМИ) – катта нохуш ходисалар сифатида (КНХ); Аорта коронар шунтлаш амалиёти (АКШ), шошилинч стентлаш амалиёти, юрак қон томир камсалликлари сабабли шошилинч ҳолатлар – кичик нохуш ходисалар сифатида баҳоланди.

Дастлабки натижалар беморлар гуруҳларида ўзоро таққосланганда (1 жадвал) ёш, жинс, ТВИ, МИ жойлашуви, сони давомийлиги, эхокардиографик чап қоринча миокард массаси, индексланган кўрсаткичи, систолик ва диастолик функцияси, стационардан кузатишдаги фармакотерапияси бўйича яққол тафовут кузатилмади.

1- жадвал

Беморлар клиник демографик хусусиятлари

Кўрсаткичлар		Реваскуляризация тури			χ^2	p
		ТР n=115	НТР n=94	РБ n=61		
Ёш, йил		60 [54; 65]	62 [58; 69,8]	64 [58; 68]	0,20	0,658
Жинс	Эркак	96 (84,5%)	74 (78,7%)	44 (72,2%)	3,147	0,207
	Аёл	19 (16,5%)	20 (21,3%)	17 (27,8%)		
ТМИ, кг/м ²		28,3 [25;31]	28,4[26,6;31,3]	29,7[28;33,7]	0,15	0,694
Нормал тана вазни, n (%)		12 (10,5%)	13 (13,8%)	8 (13,1%)	1,610	0,447
ЎМИдан тадқиқотгача бўлган давр, кун		145 [68; 566]	245 [45;700]	414 [379;432]	5,488	0,055
МИ жойлашуви	Олд	67 (58,3%)	49 (52,1%)	36 (59,0%)	1,303	0,521
	Орқа	43 (37,4%)	42 (42,8%)	24 (39,3%)	0,960	0,619
	циркуляр	6 (4,3%)	4 (4,1%)	1 (1,7%)	0,943	0,624

Ўтказилган МИ сони	1 марта	104 (90,4%)	87 (92,6%)	49 (80,3%)	5,258	0,072
	2 марта	8 (7%)	7 (7,4%)	10 (16,4%)	4,286	0,117
	3 марта	3 (2,6%)	0 (0%)	2 (3,3%)	-	-
Шикастланган тож томир соли	1 томир	58 (50,4%)	0 (0%)	22 (36,1%)	-	-
	2 томир	42 (36,5%)	30 (31,9%)	17 (27,8%)	2,300	0,317
	3 ва кўп	15 (13,1%)	64 (68,1%)	22 (36,1%)	66,883	<0,001
Ўртача ШКТ соли		1,63±0,70	2,68±0,46	1,96±0,89	86,423	<0,001
ШКТ стентлаш даражаси, %		100%	50 [33,3; 66,7]	0%	-	-
ЧҚОФ, %		54[47;59,7]	53,9[43,7;57]	50,7[45;56]		0,661
иЧҚММ, гр		109,3 [95;127,4]	116,1 [100; 141,5]	115,7 [100,2; 154,5]		0,422
Бета блокатор		112 (97,5%)	94 (100%)	57 (93,4%)	4,982	0,083
ААФ/АРА		56 (59,6%)	62 (66,0%)	37 (60,7%)	0,323	0,851
Калций Антогонисти		70 (61,0%)	50 (53,2%)	31 (50,8%)	1,234	0,540
Сакобутрил/валсарган		21 (18,3%)	20 (21,3%)	19 (31,2%)	1,883	0,390
Нитрат		29 (25,2%)	28 (28,5%)	21 (34,4%)	0,587	0,746
Амиодарон		11 (9,5%)	8 (8,5%)	7 (11,5%)	0,148	0,929
МРА		53 (46%)	43 (45,7%)	36 (59,1%)	0,453	0,656
Статин		112 (97,5%)	94 (95,9%)	60 (98,3%)	2,528	0,283
Аспирин		115 (100%)	94 (100%)	59 (96,7%)	0,941	0,625
Клопидогрел		111 (96,6%)	90 (95,8%)	51 (83,6%)	8,508	0,014

ТМИ –тана масса индекси, МИ- миокард инфаркти, ШКТ- шикастланган коронар томир, ЧҚОФ- чап қоринча отиш фракцияси, ЧҚММ- чап қоринча миокард массаси, ААФ- ангиотензин айлантирувчи фермент, АРА- ангиотензин рецептори антогонисти, МРА- минералокортикоид рецептори антогонисти

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш “IBM SPSS statistics 29.0” дастуридан фойдаланиб, Microsoft Excel 2010 материаллар базасида олиб борилди. Ўртача арифметик (M); ўртача квадратик стандарт оғиш (SD); Медиана (Me), пастки (Q1) ва юқори (Q3) кватрил кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

Гуруҳлар ичида кўрсаткичларнинг нормал ёки нормал бўлмаган тақсимланиши Колмогоров Смирнов бўйича баҳоланди. Икки гуруҳнинг медиана бўйича натижаларини таққослаш учун Mann- Whitney z тестидан фойдаланилди. 3 та ва ундан ортиқ гуруҳларни таққослаш таҳлилнинг Крускал Уоллес ва ANOVA туридан фойдаланилди.


Сифат белгилари гуруҳлар ўртасидаги ҳаққонийлигини таҳлил қилиш учун χ^2 критерисидан, гуруҳ ичидаги динамикадаги натижалар Макнемар таҳлилидан фойдаланилди.

Фарқлар $p < 0,05$ га тенг бўлганда ҳаққоний деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Миокард инфаркти ўтказган беморларда коронар стентлашни тўсатдан аритмик ўлимнинг баъзи хавф омилларига таъсири шахсий тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг дастлабки гуруҳларида 6 та НИХОлар учраш частотаси таҳлил қилинганида ТР гуруҳида НИХОлар қуйидаги нисбатда қайд этилди: ПХУХҚЭ 61 (53,1%),

ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 43 (37,4%) ва НКТ 9 (7,8%), ЮРВ кўрсаткичининг патологик пасайиши 107 (93%), ЮРТ нинг патологик пасайиши 24 (20,9%) ва QTc интервалининг патологик узайиши 26 (22,6%) нафар беморда, НТР гуруҳида эса ПХУХҚЭ 55 (58,5%), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 47 (50%) ва НКТ 11 (11,7%), ЮРВ кўрсаткичининг патологик пасайиши 90 (95,7%), ЮРТ нинг патологик пасайиши 16 (26,3%) ва QTc интервалининг патологик узайиши 28 (29,8%) нафар беморларда қайд этилди. РБ беморлар гуруҳида ПХУХҚЭ 40 (65,5%), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 25 (41%) ва НКТ 11 (18,0%), ЮРВ кўрсаткичининг патологик пасайиши 57 (93,4%), ЮРТ нинг патологик пасайиши эса 16 (26,3%) яъни хар 4 беморнинг 1 тасида ва QTc интервалининг патологик узайиши 20 (32,7%) нафар беморларда аниқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, 6 НИХО гуруҳларда тарқалиши ўзоро статистик ишонарли фарқланиш қайд этилмади. (2-расм)


2 - расм Беморлар гуруҳларида дастлабки ХМЭКГ бўйича ноинвазив хатар омиллар частотаси ва тузилиши.



Гуруҳларда НИХО учраш частотаси кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинганда, умумий гуруҳ беморларининг фақатгина 13 (5%) та қисмида бирорта хам НИХО қайд этилмади, камида 1 та НИХО хар 4 бемордан 1 тасида учраб, гуруҳларда мос равишда 37 (32,2%), 24 (25,4%), 16 (26,3%)га тенг. 2 тадан 4 тагача НИХОлар гуруҳларда кенг тарқалган бўлиб, қарийб ярмидан кўпини ташкил этади, умумий гуруҳда 7% беморларда 5 ва ундан

ортик НИХО қайд этилди. Гарчи гуруҳларда 5 ва ундан ортик НИХО учраш сони НТР ва РБ гуруҳларда ТР гуруҳига нисбатан юқори нисбатда эканлиги қайд этилсада, аммо гуруҳларда қайд этилувчи умумий НИХО сони нисбати таққосланганда фарқланиш кузатилмади. (3 расм)


3-расм Беморлар гуруҳларида ХМЭКГ бўйича дастлабки ноинвазив хатар омиллар сони бўйича тузилиши



Диссертациянинг 3.4. Динамикада 1 йилдан сўнг гуруҳлардаги натижалар деб номланган бобида тадқиқот учун олинган гуруҳларда динамикада олтига НИХО кўрсаткичлари ўрганилганда, ТР гуруҳида ПХУХҚЭ 46 (41,8%), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 29 (26,9%), НКТ 4 (3,6%), QTc интервалининг патологик узайиши 16 (14,5%) ва ЮРТ кўрсаткичининг патологик оғиши 15 (13,6%) нафар беморларда кузатилди. НТР гуруҳида эса ПХУХҚЭ 48 (60%), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 38 (47,5%), НКТ 10 (12,5%), QTc интервалининг патологик узайиши 28 (35,5%) ва ЮРТ кўрсаткичининг патологик оғиши 16 (20%) нафар беморларда аниқланди. РБ гуруҳида эса ПХУХҚЭ 26 (57,8%), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши 21 (46,7%), НКТ 7 (15,6%), QTc интервалининг патологик узайиши 15 (33,3%) ва ЮРТ кўрсаткичининг патологик оғиши 12 (26,7%) беморларда кузатилди.

Динамикадаги натижалар гуруҳлараро таққосланганда ПХУХҚЭ (p – 0,018), ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши (p – 0,026), НКТ (p – 0,018) ва QTc патологик узайиши (p -0,01) каби кўрсаткичлар TP гуруҳида қолган 2 гуруҳ натижалари ўртасида сезиларли тафовут кузатилиб, мос равишда ПХУХҚЭ НТР гуруҳида TP гуруҳига нисбатан 18,2%га, РБ гуруҳида эса 16%га юқори, ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиши бўйича фарқланиш мос равишда 21% ва 20,2%, QTc интервали узайиши бўйича 2 баробардан зиёд юқори. Айниқса НКТ TP гуруҳида НТР гуруҳидан 3,5 марта, РБ гуруҳдан эса 4,3 баробар кам қайд этилди. Қолган 2 НИХОлар: ЮРВнинг патологик пасайиши юқори кўрсаткичларда барча гуруҳларда, ЮРТнинг патологик пасайиши эса 13,6% дан 26,7% гача қайд этилиб статистик ишонарли фарқланиш мавжуд эмас. (4- расм.)

4 - расм Беморлар гуруҳларида динамикада 1 йилдан сўнг ХМЭКГ бўйича ноинвазив хатар омиллар частотаси ва тузилишининг ўзгариши




Динамикада гуруҳлар бўйича дастлабки ва 1 йилдан кейинги таққослама натижаларда TP гуруҳида барча НИХО лар камайгани қайд этилиб, ПХУХҚЭ 19,5%га (p – 0,04), Bigger бўйича ҚЭ 10/соатдан ортикли 27,8%га (p < 0,001), QTc интервали патологик узайиши 36%га (p – 0,013), патологик ЮРТ 50%га (p – 0,025) камайганлигини кўриш мумкин. Патологик ЮРВ 8,8%га ва НКТ

қарийб 44%га қамайганига қарамай, аммо натижалар статистик ишонарли даражада эмас. НТР гуруҳида ПХУХҚЭ, Bigger бўйича ҚЭ 10/соатдан ортиқлиги, патологик ЮРТ ва ЮРВ мавжуд беморлар сони қамайган бўлса, QTc интервалининг патологик узайиши мавжуд беморлар ортиши кузатилсада, шу билан бирга статистик ишончлилик қайд этмади. РБ гуруҳида аса ПХУХҚЭ, патологик ЮРТ ва ЮРВли беморлар қамайган холда, QTc интервали патологик узайиши, Bigger бўйича ҚЭ 10/соатдан юқори беморлар нисбатида ортсада, аммо натижалар статистик ишонарсиз, аммо НКТ қайд этилган беморлар сони ортиши статистик ишонарли тарзда қарийб 50%га яқин кузатилди ($p < 0,001$). Динамикада 1 беморда қайд этилиши мумкин бўлган НИХО учраш сони ТР гуруҳида паст даражали НИХО (0 ва 1) умумий беморлар сонига нисбатан 3,6% ($p = 0,048$) ва 12,7%га ($p = 0,03$) ортиши, юқори частотали НИХО сонининг (4, 5 ва 6) қамайиши қарийб 2,5 баробардан зиёдга қайд этилди. НТР гуруҳида эса ТР гуруҳида кузатилган қамайиш кузатилмаган холда дастлабки нисбат сақланади. РБ гуруҳида эса гарчи паст даражали НИХОлар учраш сони бўйича ишонарли фарқланиш кузатилмасда,

5-расм Беморлар гуруҳларида ХМЭКГ бўйича ноинвазив хатар омиллар частотаси ва тузилишини динамикада ўзгариши

Беморлар гуруҳларида ХМЭКГ бўйича ноинвазив хатар омиллар частотаси ва тузилишини динамикада ўзгариши



НИХО сони		0	1	2	3	4	5	6
1 гуруҳ	p	0,048	0,03	0,69	0,647	0,03	0,437	-
2 гуруҳ		-	0,774	0,876	0,045	0,375	0,075	-
3 гуруҳ		1,0	0,154	0,388	1,0	0,227	0,001	1,0
Динамикада гуруҳлараро		0,093	0,017	0,44	0,792	0,108	0,017	0,168

юқори даражали НИХО мавжуд беморлар сони (4, 5 ва 6) қарийб 2 баробарга ортган холда, айниқса 5 та НИХО мавжуд беморлар сони динамик кузатувлар давомида 2,5 баробардан зиёдроққа ($p = 0,001$) ортган. (5 расм)

РБ гуруҳида ЮРВ кўрсаткичидан ташқари барча НИХОнинг динамик кузатувда 1 йилдан сўнг ортиши қайд этилсада, аммо ушбу кўрсаткичлар яққол ишончли тарзда ҚЭнинг Bigger бўйича 10/соатдан ортиқлиги 12,2 %га ($p=0,025$), НКТнинг 2 баробарга ортиши қайд этилди ($p < 0,001$). Динамикада 1 беморда қайд этилиши мумкин бўлган НИХО учраш сони бўйича 5 та НИХО бўлган беморлар сони қарийб 3 баробарга ишончли даражада ортиши, НИХО кузатилмаган беморлар ўзгаришсиз қолганлиги қайд этилди. (5-расм)

Диссертациянинг 3.5. Якуний нуқта бобида беморларда динамикада кузатилган катта ва кичик нохуш ҳодисалар (НХ) келтирилган (2 жадвал).

2-жадвал. Беморлар гуруҳларида динамикада 1 йил давомида кузатилган нохуш ҳодисалар учраш частотаси.

Кўрсаткичлар	ТР n=115	НТР n=94	РБ n=61	χ^2	p
ТЮЎ, n % (n=6)	2 (1,7 %)	2 (2,1%)	2 (3,3%)	0,441	0,802
Бошқа сабабли ўлим, n % (n=6)	2 (1,7%)	2 (2,1%)	2 (3,3%)	0,625	0,731
Нофатал МИ, n % (n=7)	0 (0,0%)	4 (4,3%)	3 (4,9%)		
Такрорий стентлаш, n % (n=12)	1 (0,9%)	4 (4,3%)	7 (11,5%)	10,569	0,005
АКШ амалиёти, n % (n=4)	0 (0,0%)	1 (1,1%)	3 (4,9%)		
ЮҚТК сабабли шошилич госпитализация, n % (n=37)	10 (8,7%)	13 (13,8%)	14 (23%)	6,831	0,033
ТЮЎ+БСЎ, n % (n=12)	4 (3,5%)	4 (4,3%)	4 (6,6%)	0,845	0,655
ТЮЎ+БСЎ+МИ, n % (n=19)	4 (3,5%)	8 (8,4%)	7(11,5%)	4,289	0,117
ТЮЎ+ЮҚТКЎ+МИ, n % (n=16)	2 (1,7%)	7 (7,4%)	7 (11,5%)	7,376	0,025
ТЮЎ + МИ, n % (n=13)	2 (1,7%)	6 (6,3%)	5 (8,2%)	4,400	0,111
ТЮЎ+ ЮҚТКЎ, n % (n=9)	2 (1,7%)	3 (3,2%)	4 (6,6%)	2,881	0,237
ТЮЎ- тўсатдан юрак ўлими, МИ- миокард инфаркти, АКШ- аорта коронар шунтлаш, ЮҚТК- юрак қон томир касалликлари, ЮҚТКУ- юрак қон томир касалликларидан ўлим, БСЎ – бошқа сабабли ўлим					

1 йиллик кузатув давомида умумий гуруҳ беморларидан 6 тасида ТЮЎ кузатилиб, хар бир гуруҳда 2 тадан, 6 та ҳолатда тўсатдан бўлмаган ўлим (3 та ЮҚТК сабабли) қайд этилиб, бу хам хар бир гуруҳда 2 тадан, 7 беморда нофатал МИ кузатилиб, НТР гуруҳида 4 (4,3%) ва РБ гуруҳда 3 (4,9%)тани ташкил қилди. Шунингдек 12 нафар бемор шошилич стентлаш амалиёти ўтказилиб, мос равишда 1 нафар ТР гуруҳида, 4 нафар НТР, 7 нафар РБ гуруҳда ўтказилди, Шу билан бир қаторда 4 нафар беморда АКШ амалиёти амалга оширилиб, 1 (1,1%) НТР гуруҳидан ва 3 (4,9%) нафари РБ гуруҳидан. ТЮЎ, бошқа сабабли ўлим, нофатал МИ бўйича гуруҳлараро тафовут йўқ. ЮҚТК сабабли шошилич шифохонага ётқизилиш ҳолатлари 37 нафар

беморларда қайд этилиб, шундан ТР гуруҳида 10 (8,7%), НТР 13 (13,8%) ва РБ гуруҳида 14 (23%) нафарни ташкил этади. Гуруҳлараро таққослама натижаларда шошилинич стентлаш амалиёти ($p = 0,005$) ва ЮҚТК сабабли шифохонага шошилинич ётқизишлиш ҳолатларига ($p = 0,033$) кўра ТР гуруҳида қолган 2 гуруҳга нисбатан сезиларли даражада кам эканлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга ТЮЎ+ ЮҚТКЎ+ нофатал МИ нинг гуруҳларда учраши ТР гуруҳида 2 (1,7%) қолган 2 гуруҳдан НТР 7 (7,4%), РБ 7 (11,5%) яққол даражада паст эканлигини кузатиш мумкин. ($p = 0,025$)

Нохуш ҳодисалар билан яқунланган яъни нофатал МИ, бошқа сабабли ўлим (БСЎ) ва ТЮЎ кузатилган 19 нафар беморлар ва нохуш ҳодисалар (ТЮЎ, БСЎ, нМИ, АКШ ва шошилинич стентлаш) кузатилмаган 235 нафар беморлар дастлабки НИХО кўрсаткичлари ўзаро ретроспектив таҳлил қилинганда, ҚЭнинг микдорий кўрсаткичлари яъни ҚЭ зичлиги ($p = 0,077$), ҚЭнинг Vigger бўйича >10 /соатдан ортиқлиги ($p = 0,0033$), Lown Wolf бўйича II синф учраши ($p = 0,068$) бўйича сезиларли тафовут мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткичлар КНХ кузатилган гуруҳда юқори эканлигини кузатиш мумкин, шунингдек сифатий кўрсаткичларидан беморларда қайд этилган максимал ҚЭ синфлари IVA ва V синф кўрсаткичлари КНХ кузатилган гуруҳда 12 (63%) ва 6 (31,6%) нафарни, НХ кузатилмаган беморларда кўрсаткичлар 82 (35%) ва 24 (10,4%) нафарни ташкил этиб, сезиларли статистик тафовутни кузатиш мумкин ($p = 0,009$, $p = 0,006$). НИХО бўйича яққа ҳолатда ЮРВ, патологик QTc интервалининг ортиши, бўйича тафовут аниқланмаган бўлсада, аммо умумий НИХО сони бўйича 1 гуруҳда статистик ишонарли тарзда фарқланиш аниқланиб ($p = 0,01$) 3 ва ундан юқори НИХО мавжуд беморлар ушбу гуруҳда салмоқли кўрсаткичда. НИХО сифатида ЮРВ, ЮРТ, QT интервали патологик узайиши бўйича яққол тафовут қайд этилмасада, аммо умумий НИХО сони нохуш ҳодисалар кузатилмаган гуруҳга нисбатан қарийб 40% га юқорилиги аниқланди. КНХ кузатилган гуруҳда НИХО сони медиана бўйича 3,0 га тенг. НХ кузатилмаган гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 2,0 га тенг ва статистик ишончли даражада. ($p = 0,01$) Шу билан бир қаторда НХ юз берган беморларда ушбу ҳодисалар юз бермаган беморларга нисбатан коронар томирлар шикастланиши яъни окклюзия сони ($p < 0,003$), айниқса анотомик ҳолатини баҳолашда имкон берувчи syntax шкаласида ($p < 0,003$) тафовут сезиларли даражада мавжуд. НХ кузатилмаган гуруҳда SS медиана бўйича 15 баллга тенг. Окклюзияланган томир ва уни стентлаш амалиёти орқали очиш КНХ кузатилган гуруҳда НХ кузатилмаган гуруҳга нисбатан қарийб 2 баробар кам. ($p = 0,022$, $p = 0,031$) Чап қоринча систолик кўрсаткичлари, ЯДХ, ЯСХ ва ЧҚОФ кўрсаткичларида сезиларли фарқланиш мавжуд бўлиб, НХ кузатилган гуруҳда ЧҚОФ 2-гуруҳга нисбатан 12% га паст эканлигини кўриш мумкин ($p = 0,014$). Статистик ишончли фарқ қайд этилмаган ҳолда, НХ кузатилган гуруҳ беморларида индексирланган ЧҚММ 18,6%га 2- гуруҳга нисбатан юқори. ($p = 0,055$) НИХО сифатида SDNN ва QTc интервали микдорий кўрсаткичлари ўртасида яққол фарқланиш кузатилмади.

3-жадвал Беморлар гуруҳларида юзага келган нохуш ҳодисалар бўйича таққослама натижалар.

Кўрсаткичлар		Катта нохуш ҳодисалар n=19	Нохуш ҳодисаларсиз n=235	χ^2	p
		Me [Q1; Q3]	Me [Q1; Q3]		
Ёш		64 [59; 65,5]	61,5 [57; 66]	-0,85	0,396
Жинс		17 (89,5%)	184 (78,3%)	1,297	0,255
ТМИ		28,4 [27; 30,6]	28,7 [26,3; 31,4]	-0,087	0,931
МИ давомийлиги		390 [102; 1164,5]	256 [62,5; 805]	-0,881	0,378
ШКТ сони,n		2,26 [2; 3]	2,06 [1; 3]	-1,065	0,31
SS I		21 [18; 28,9]	15 [9; 22]	-2,938	0,003
ҚЭ зичлиги		0,40 [0,11; 1,03]	0,12 [0,015; 0,6]	-2,767	0,017
ПХУХҚЭ		13 (68,4%)	133 (56,6%)	1,320	0,251
НИХО Bigger >10/соат ҚА		13 (68,4%)	99 (42,2%)	4,959	0,026
Беморда қайд этилган ҚЭ синфи (Lown-Wolf) n (%)	0	3 (15,8%)	50 (21,3%)	0,341	0,559
	I	16 (84,2%)	184 (78,3%)	1,697	0,193
	II	8 (42,1%)	55 (23,4%)	3,323	0,068
	III	10 (52,6%)	108 (45,9%)	0,674	0,412
	IV A	12 (63,1%)	82 (35%)	6,747	0,009
	IV B	6 (31,6%)	24 (10,2%)	7,445	0,006
НИХО ЮРВ		19 (100%)	218 (92,8%)	1,357	0,244
НИХО ЮРТ		6 (31,5%)	54 (22,9%)	1,037	0,308
НИХО QTc интервали		4 (21,1%)	65 (27,7%)	0,406	0,524
Умумий НИХО сони		3 [2; 4]	2 [1; 3]	-2,559	0,010
Окклюзия томир сони		15 (78,9%)	99 (42,2%)	12,225	0,022
Окклюзияни стентлаш		35%	67,6%	10,628	0,031
НИХО сони	0	1 (5,3%)	15 (6,3%)	0,08	0,931
	1	3 (15,8%)	70 (29,8%)	1,590	0,207
	2	0 (0%)	55 (22,9%)	5,402	0,020
	3	6 (31,6%)	48 (20,4%)	1,298	0,255
	4	5 (26,3%)	39 (16,6%)	1,090	0,297
	5	3 (15,8%)	9 (3,8%)	5,302	0,021
	6	1 (5,3%)	5 (2,1%)	0,855	0,35
Стентлаш %		43,8%	61,1%	-1,589	0,112
ЧҚОФ		44,6 [42,2; 49]	52,2 [45; 59]	-2,452	0,014
ЧҚММ		133,5 [122;143,8]	112,6 [97; 137]	-1,916	0,055
SDNN		41 [38,1; 51,8]	40,9 [32,1; 50,8]	-0,347	0,728
QT		388 [348; 436]	390 [366,5; 416]	0,357	0,842
QTc		411[387; 436]	421 [398,7; 442]	0,137	0,718

Диссертациянинг 3.7. Тўлиқ реваскуляризация амалга оширилган гуруҳ беморларида ўткир МИдан стентлаш амалиётигача бўлган давр бўйича таққослама натижалар бобид тўлиқ реваскуляризация амалга оширилган беморларда ўтказилган тўлиқ анатомик реваскуляризациянинг ўткир МИдан стентлаш амалиётигача бўлган вақтга боғлиқ ҳолда НИХОларнинг динамикасига таъсирини баҳолаш мақсадида МИ даври бўйича беморлар медиана кўрсаткичи асосида 2 гуруҳга бўлинди ва таққосланди. 1-

